

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА КИШЛОҚ ХУЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУХАНДИСЛАРИ  
ИНСТИТУТИ

“ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ” КАФЕДРАСИ  
“ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ” ФАНИДАН

**ТАҚДИМОТ**

Мавзу: Республика худудида  
табиий оғатлар тушунчаси ва  
таснифи.

## *Ўқув саволлар:*

- 1.Хавли геологик фавқулодда вазиятлар
- 2.Зилзиланинг иншоотларга кўрсатган  
кучини ўрганиш ва баҳолаш.
- 3.Иншоотларни зилзилага нисбатан  
зилзила - бардошлигини оширишга  
қаратилган чора тадбирлар.
4. Кўчкилар.

«Техноген, табиий ва экологик  
тусдаги фавқулодда вазиятларнинг  
таснифи тўғрисида» Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 1998 йил 27  
октябрь № 455-сонли Қарори

# Табиий фавқулодда вазиятлар

- ◉ Геологик
- ◉ Гидро-метеорологик
- ◉ Эпидемиологик (эпизоотик, эпифитотик)
- ◉ Экологик



Хавли геологик фавқулодда  
вазиятлар Вазирлар  
Махкамасининг 455-сонли  
қарорига кўра  
қўйидагилардан иборат

зилзила, кўчки,  
тоғ ўпирилиши,  
ерни сатҳининг  
чўкиши



Табиий оғатлар, фавқулодда вазиятларнинг содир бўлишида хавфли геологик жараён ва ҳодисалар алоҳида аҳамиятга эга, шунинг учун уларнинг фалокатли оқибатлардан аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш учун хавфли геологик ҳодисаларнинг юзага келиш сабаблари, фазовий тарқалиш қонуниятлари ўрганилади, баҳоланади, башорат қилинади, улрага қарши ҳар хил чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.



Охирги 50 йил ичда бўлиб ўтга кучли зилзила ичда вайронагарчилик ва қурбонлар миқёсига қўра **Чили, Сан-Франциско, Токио, Ашхабод ва Спитак, Тошкент**даги ва бошқалар ажралиб туради.

**1948 йилга Ашхабод** (100 минг одам халок бўлган, 8-9 балл) зилзиласидан кейинги энг даҳшатли фожия **Спитак зилзиласи** номини (унда 30 минг одам халок бўлган) олди. У 1988 йилги 7 декабр куни содир бўлди. Дастлабки кучли силкинишнинг узида 20 мингли Спитак шахри ва унинг атрофидаги бир неча қишлоқлар бутунлай яксон бўлди. 200 мингли Ленинакан шахри замонавий бинолариниг яримидан кўпи қулади ёки тиклаб бўлмайдиган ахволга келди. 120 мингли саноат маркази бўлган Кировакан шахри ва катта қишлоқлар талафот топди.



**Сан-Франциско**да 1906 йил 18 апрелдаги ер қимирлашида 700 ахоли халок бўлган. Моддий зиён 1.5 млрд. долларни ташкил қилган. 2 кун ёнғин мобайнида 500 га яқин кварталлар ёниб, хеч нарса қолмаган, хаммаси бўлиб 350 минг киши халокатга учраган.

**Япония**да 1995 йил 17 январда кучли ер қимирлаши рўй берган. Унинг эпицентри Йирик Коба портнинг марказида жойлашга бўлиб жуда катта қўламда мухандислик ва коммунал инфоотларнинг вайрон бўлишига, у- жойларни бузилишига олиб келган. Бу офат натижасида йулларнинг бузилган бўлаклари остида 5 минг одам нобут бўлган ва 500 минг оила уй- жойсиз қолган.



**1995 йил 27 майда Россия** давлатининг Нефтегорск шахрида 9,2 балл кучланишга эга бўлган ўта кучли ер силкиниши рўй берди. Маълумотларга кўра унинг натижасида шаҳардаги 95 % дан ошиқ иншоотлар вайрон бўлган 1841 фуқаро нобут бўлган.



## **Энг кучли зилзила Ўзбекистонда 1902 йилда (8-9 балли) Андиконда бўлган.**

1946 йилда Наманганда (Чотқол зилзиласи номи билан), Тошкентда 1868 ва 1966 йй.(7-8 балл) (1000 мартағача), Газлида 8-10 балл, Тожикистонда 1907 й, Хисорда 9-10 балл, 15га яқин кишлоклар хонавайрон булган, 1000га яқин одам нобуд булган. 1911 йилда Помирда Сарез зилзиласи. Тог упирилиб, Усой тугон Хосил килган. Мурғоб дарёсини тушиб қолиб, Сарез деган кўл пайдо бўлган.


# ТОШКЕНТ 1966 ЙИЛ



Зилзила пайтида ер қобиғида сейсмик түлқинлар ҳосил бўлади. Тўлқинларнинг тарқалиш маркази гипоцентр ёки зилзила ўчоғи деб аталади. Чуқурлиги 2-70 км га боради. **Ер юзасидаги маркази - эпицентр деб аталади.** Маълумотларга кўра сейсмик тўлқинлар уч ҳил - бўйлама, кўндаланг, юзама турларга бўлинади. Уларнинг аҳоли яшайдиган худудлар ва ишоотларга кўрсатадиган кучлар таъсири ернинг геологик, геоморфологик, гидрогеологик ва муҳандислик-геологик шароитларига боғлиқ бўлиб, уларни ўрганиш, баҳолаш, башорат қилиш билан муҳандислик геологияси шуғулланади.



# ЗИЛЗИЛАЛАР



## ЎПИРИЛИШ

## ВУЛҚОН





## ВУЛҚОН

вулқонларнинг ҳаракати натижасида ҳам зилзила бўлиб туради. Бундай зилзила фақат вулқонли ўлкаларга хос ва унинг кучи **5-6** баллдан ошмайди. Ернинг чуқур қисмида ҳарорат катта бўлиши туфайли ҳосил бўлган магмалардан ажралиб чиқувчи газ ва бугни ер остидан даҳшатли куч билан отилиб чиқишидан кучли зилзила рўй беради. Марказий Осиёда ҳаракатдаги вулқонлар йўқ бўлганлиги учун бизнинг минтақада вулқон зилзилалари бўлмайди.



## ЎПИРИЛИШ

қатламлари ер ости суви таъсиридан эриб катта- катта чуқур ғор ҳосил қилиши мумкин. Карст рельефи кенг тарқалган ўлкаларда ёпиқ карстларнинг баъзилари жуда катта бўлиб, уларнинг тепа қисми оғирлик кучи таъсирида бўшлиққа ўпирилиб тушади. Ўпирилган жойларда баъзан кўл ёки воронкасизон катта чуқурлик ҳосил бўлади. Бунга Помир тоғларидағи Сарез кўлини мисол қилиб келтириш мумкин. Ўпирилиш зарбаси натижасида ер ларзага келади.




## ЗИЛЗИЛАЛАРИ

## Сўнмаган

## Оҳактош

## Тектоник зилзилалар




Ернинг энг устки қатлами унинг қобиғи дейилади. Ер қобиғининг чуқурлиги қуруқликларда асосан 30-50 км ни ташкил этиб, баъзи жойларда 70 км гача боради, океанларда эса 6-8 кмга боради.

Кейинги қатлам мантия бўлиб, у 2900 км гача давом этади. Сўнгги қатлам 2900 км дан то ернинг марказигача давом этиб у ядро қатламидир.

Ер қатламларида доимо мураккаб кимёвий, физикавий жараёнлар тўхтовсиз бўлиб туради. Булардан биринчиси-солиштирма оғирликлари оғир жинсларнинг доимо пастга, енгил жинсларнинг юқорига бўлган ҳаракати. Иккинчиси-радиоактивлик хоссаси асосида бир жинслардан иккинчисининг ҳосил бўлиши ёки жинсларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши натижасида энергия ажралишидир. Бундай реакциялар содир бўлишига сабаб, ернинг чуқур қатламларида жуда катта босим ва иссиқлик мавжуддир. Бу эса радиоактивлик хоссасига асосан бир жинсларнинг иккинчисига айланишига ва иссиқлик энергияси ажралишига олиб келади. Энергиянинг сақланиш қонунига асосан у йўқолиб кетмайди. Ҳосил бўлган энергия ернинг остида жуда катта ҳажмдаги жинсларни ҳаракатга келтиради. Уз навбатида бу кучлар ернинг устки қатламларини, ер қобиғини ҳаракатга келтиради.

# Сейсмическое районирование Узбекистана

Карта общего сейсмического районирования территории республики Узбекистан



## **2. ЗИЛЗИЛНИНГ ИНШООТЛАРГА КҮРСАТГАН КУЧИНИ ЎРГАНИШ ВА БАҲОЛАШ.**

Республикамизда ва жуда кўп давлатларда зилзила кучи 12 балли шкала асосида баҳоланиб, ҳар бир баллга эга бўлган зилзила ўз тақсилотига эга. Бундан ташқари баҳолашда 8 балли Рихтер сейсмик шкаласидан ҳам фойдаланади.

Бизда асосан 2 турдаги ер қимирлаши кузатилган:

-узоқ даврли 1,5-2,5 дақиқа давом этадиган;  
-юқори частота тебранишли 1,5-2,5 сония давом этадиган.

Узоқ даврли ер қимирлашда тебраниш секин-аста куч йиғади ва у кўп қаватли бинолар учун хавфли ҳисобланади. Юқори частотали ер қимирлаши энергияси қисқа давр ичида ажралиши туфайли, оқибатлари аянчли бўлиши мумкин, сабаби агар суст ҳаракат қилинса кўп қурбонликка олиб келиши мумкин.

# ЗИЛЗИЛА КУЧИНИНГ МАГНИТУДА ВА БАЛЛЛАРДАГИ ТАЪСИРИ

Рихтер бўйича магнитуда	MSK-64 бўйича зилзила кучи (балларда)	Кузатиладиган ҳодисалар
2.0 ва ундан кам	I-II	Одатда инсонлар сезмайдилар
3,0	III	Бинолар ичида сезиш мумкин
4,0	IV-V	Аксарият томонидан сезилса ҳам биноларга шикаст етмайди
5,0	VI-VII	Бинолар озроқ зарар кўради; деворлар ёрилиши мумкин
6,0	VII-VIII	Заиф қурилган бинолар қулаши мумкин, мустаҳкам бинолар деворларида ёриқлар
7,0	IX-X	Кўп бинолар бузилиб, кучли шикаст етади
8,0 балл ва ундан юқори	XI-XII	Барча бинолар вайрон бўлади, худуд рельефи ўзгаради

## **Иморат ва иншоотларнинг конструкцияси ва қрилиш материалларига қараб таснифланиши :**

**А гурӯҳ - ҳомғиши, пахса деворли  
иморатлар,**

**Б гурӯҳ - пишиқ ғиштдан қуилган  
иншоотлар,**

**В гурӯҳ - төмір-бетон синчли ва  
ёғочдан қуилган иншоотлар.**






Юқоридагиларни хисобга олган холда давлат стандарты томонидан иморатлар гурухининг хар бир баллда күрадиган талафоти даражали меъёрий хужжатларда аниқ белгилаб қўйилган.

### **3. ИНШООТЛАРНИ ЗИЛЗИЛАГА НИСБАТАН ЗИЛЗИЛА - БАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА ТАДБИРЛАР.**

**“Ахолини ва худуларни табий хамда техноген хусусиятли фавқулотда муҳофаза қилиш туғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида баён этилишича “Фавқулотда вазиятлар мониторинги ва уларни олдиндан башорат қилиш” зилзила каби даҳшатли фавқулотда вазиятнинг оқибатларини камайтириш тадбирларини ишлаб чиқишида бўлажак зилзилани олдиндан айтиб бериш муаммоларини хал қилиш нихоятда муҳим хисобланади.**







# Хавф манбаларини камайтириш



Ўт ўчириш ва биринчи тиббий ёрдам воситасини  
барча оила аъзоларига маълум бўлган жойда асранг

# Зилзила вактида



# Зилзилагача

## ○ Хавфсиз жойларни аникланг

Сизни асраб қолиши мумкин бўлган жойлар:  
ванна хона, хоналарнинг ички бурчаклари, эшик кесакиси,  
мустаҳкам стол ости, кресло, диван, ёки кроват ёни.

## ○ Хавфли жойларни аникланг

Хонадонигиз ичидаги хавфли жойлар:

Бинонинг ташқи девори, дераза ойналари, шифтдан оғир  
қандил, чироқ ёки бошқа нарсалар тушиши ўт чиқиши мумкин  
бўлган жойлар, зина поялар ва лифт

Сув озиқ овқат ва муҳим нарсалар заҳирасини яратинг,  
зилзиладан сўнг учрашув жойи ва бошқалар


# Зилзиладан сўнг

- Ён атрофингиздаги вазиятни баҳолаб, жароҳат олган бўлсангиз аввал ўзингизга, сўнгра атрофдагиларга ёрдам беринг.
- Газ ҳидини сезсангиз тезда газни ўчиринг. Эшик ва деразаларини очинг ва тезлик билан ташқариға чиқиб кетинг.
- Яқинларингизга ёрдам беринг, уларни тинчлантиришга ҳаракат қилинг.
- Вайрона уюми остида қолган бўлсангиз тушкунликка тушманг, албатта сизни қутқаришади

# ЗИЛЗИЛА СОДИР БЎЛГАНДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ

**Зилзила** – энг ҳавфли талофатлардан бири. Унинг натижасидаги инсонларнинг қурбони бўлиши бўйича биринчи ўринда туради. Ер қуррасида ҳар йили 5 мингдан зиёд зилзилалар содир бўлади. Тошкент шаҳри 7-9 баллик сейсмоҳавфли худудда жойлашган.


## ЗИЛЗИЛАДАН ХАБАР ОЛГАНДА ЁКИ БИРИНЧИ ЕР СИЛКИНИШЛАРИНИ СЕЗГАНДАН СҮНГ ҚҮЙДАГИЛАР ЗАРУР:




Зудлик билан 15-20 дақиқа ичидә бинони ташлаб чиқиб кетиш керак.




Икки ва ундан юқори бўлган қаватлarda кириш ёки айвон эшлиги кесакиси остига туриш, имкони бўлмаганда ойнаклар, деразалардан узоқлашиб пишиқ деворлар бурчагига туриш керак.



Девор ва устунлардан узоқда юринг,  
биноларга кирманг: зилзила қайтарилиши мумкин.



Жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам  
кўрсатиш.



Лифтдан фойдаланиш.

Юқори қаватлардан сакраш.

Гутурт ёки шам ёқинш.

# Ер кўчкилари, ўпирлишлар


- **Ер кўчкиси** намгарчилик туфайли оғирлик кучи таъсирида тоғ жинсларининг қиялик бўйлаб пастга томон силжиши
- **Ўпирлиш** - оғирлик кучи таъсири остида тоғ жинсларининг узилиб пастга отилиб тушиши.

# ҚҮЧКИ

Денгиз, сойлар ва тоғ ёнбағирларида жойлашган бўш тоғ жинслари устки қисмининг ер устки ва остки сувлари ҳамда ўзлари оғирлик кути таъсирида пастга қараб ҳаракат қилиш ҳодисаси кўчки дейилади.

Кўчкilar Марказий Осиёning тоғлик районларида тез-тез бўлиб кейинги 15 ийл ичida Ўзбекистонning кон саноати ривожланган Оҳангарон, Олмалиқ, Олтинтопкан, Юқори Чирчик туманларидаги Хумсон, Бофистон, Хўжакен Чибарғота ва бошқа қишлоқдарда, Сурхондарё, Қашқадарё Самарқанд, Жиззах вилоятларининг тоғли ҳудудларида кўплаб кўчки ҳодисалари рўй бермоқда.

# Кўчки хавфи юқори бўлган ҳудудлар



**Хавф туғдирувчи-кўчки рўй бериши мумкин бўлган  
ҳудудларга Тошкент, Андижон, Фарғона,  
Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Наманган  
вилоятларининг тоғолди ва тоғли туманлари  
киради. Республикаизда ҳар йили 150-200 та кўчки  
ходисаси рўй беради.**





*Актив чораларга*  
ёнбағирлардаги күчкига мойил  
бўлган тоғ жинсларининг  
ҳаракатини тўхтатиш мақсадида  
иншоотлар қуриш тоғ  
жинсларининг мустаҳкамлигини  
ошириш учун маҳсус чора-  
тадбирлар қуриш киради.

Кўчкига қарши  
кўриладиган  
чора-тадбирлар  
**пассив ва актив**  
хилларга  
бўлинади.

**Пассив чоралар профилактик аҳамиятга**  
эга бўлиб, кўчки ёнбағрида ва зонасида  
қўйидаги ишлар бажарилишини ман  
этади:

- 1) ёнбағирликни қирқиш ва текислаш;
- 2) иморат ва иншоотлар қуриш;
- 3) портлатиш ишлари;
- 4) кон қазиш;
- 5) оғир юкли транспортнинг катта  
тезликда ҳаракат қилиши;
- 6) дараҳтларни режасиз қирқиш;
- 7) ерларни суғориш;
- 8) оқава, булоқ сувларини оқизиш ва ҳ.к.

Юқорида қайд қилинган чора-  
тадбирларнинг мустаҳкамлигини  
ошириш ҳамда кўчки ҳодисасини маълум  
бир даврга тўхтатиб туриш учун  
бажарилади.



## **Гидрометеорологик хавфли ходисалар**

**Қор қүчиши**

**Кучлий шамол (довул)**

**Кучли ёғигарчиллик(жала)**

**Сел**

**Сув тошқини**



**Довул**

**Бўрон**

**Куюн**

2 гурӯҳга бўлинади

сел



ГЛЯЦИАЛ  
музлик ва  
корларнинг  
тез эриши

ЖАЛАЛИ  
кўп миқдорда  
ёмғир ёниши  
натижасида

- Сел 2-10 м/сония ва ундан катта тезликда ҳаракат қиласи. 1 куб метр сел оқимининг оғирлиги 2 тоннагача етади. Битта жойнинг ўзида кучли сел оқимларининг пайдо бўлиш эҳтимоли катта эмас. Чунки сел ҳосил бўлиши учун фақатгина ёғингарчиликнинг кўп бўлиши етарли эмас. Бунинг учун сув оқими олиб кетиши мумкин бўлган тоғ массаси ҳам мавжуд бўлиши зарур. Тоғ массаси эса ўз навбатида тоғ жинсларининг емирилишидан ҳосил бўлади. Унинг пайдо бўлиши учун 5-6 йилдан 20-25 йилгacha вакт кетади.
- Сел сув-тошли, лойли ва лой-тошли оқим тарзида бўлиши мумкин. Оқим таркибидағи тош бўлаклари айниқса катта вайронагарчилик келтиради.
- Муҳофаза тадбирлари. Сел ҳосил бўлишида иштирок этувчи омилларнинг анчагина кўплиги уни ўз вақтида прогнозлашни қийинлаштириб юборади. Шунга қарамай, сел мавсумининг бошланиш вақтини олдиндан айтиб бериш мумкин.



**Сув тошқини -  
дарё, күл ёки  
бошқа сув  
ҳавзалари сув  
сатхининг кескин  
кўтарилиши  
натижасида  
жойнинг  
вақтинчалик сув  
остида қолиши.**

.


Дарёларда иқлим омиллари таъсири, хусусан қорларнинг эриши ва жала билан боғлиқ мавсумий сув кўпайишлари рўй бериб туради. Айрим ҳолларда бундай тошқинлар табиий оғатларга айланиб кетади.

### Сув тошқинлари тўртга бўлинади:

- ⦿ **Паст** - текислик дарёларида 5-10 йилда бир марта кузатилади. Бундай сув тошқини юз берганида қирғоқ яқинидаги дала майдонлари сув остида қолади. Бунда унчалик катта бўлмаган моддий зарар етказилади ва аҳолининг ҳаёт фаолияти бузилмайди.
- ⦿ **Таникли** - 50-100 йилда бир марта юз беради. Дарё ҳавзаларини қамраб олади, хўжалик фаолияти тўхтаб қолади, жиддий моддий зарар етказилади. Аҳолини оммавий кўчиришга тўғри келади.
- ⦿ **Юқори** - ҳар 20-25 йилда бир марта юз беради, дарё водийларининг анчагина катта майдонларини сув босади. Баъзи ҳолларда одамларни хавфсиз жойларга кўчиришга тўғри келади, анчагина сезиларли моддий зарар етказилади.
- ⦿ **Ҳалокатли** - ҳар 100-200 йилда бир марта юз беради. Ҳаёт тарзи бутунлай ўзгаради. Бундай сув тошқинлари кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келади, муҳим хўжалик обьектларини муҳофаза қилиш учун маҳсус тадбирларни ўтказишга тўғри келади.

**Қор күчкиси** - оғирлик  
кучи остида тоғ  
ёнбағирларида ҳаракатга  
келган ва сурилаётган  
катта ҳажмдаги қор  
массасининг  
ўприлишига





- ◉ Қор күчкиси катта ҳажмдаги қор массаси бўлиб, у 70-100 км/с тезликда ҳаракат қиласди.
- ◉ Қуруқ қор күчкисининг тезлиги 360 км/с. га етиши ҳам мумкин.
- ◉ У 25-30 м ўлчамдаги, 20 см қалинликдаги кичкина кўчкидан пайдо бўлиши мумкин.
- ◉ 150 куб.м ҳажмдаги кўчкининг оғирлиги 20 дан 30 тоннагача етади.
- ◉ Зарб кучи 1 кв. м. га 50 тоннагача етади.
- ◉ Ёғоч уйлар 1 кв. м. га 3 т зарбга бардош бера олади.
- ◉ 10 т куч билан урилганда асрий дарахтлар илдиз-пилдизи билан қўпорилиб чиқиши мумкин.

## САБАБЛАРИ

1. Кўп миқдорда ёқсан қордан (кор ёғиши вақтида ёки ундан кейин ҳосил бўлади, бир кеча-кундузлик ёғин миқдори 10 мм ва ундан ортиқ).
2. Кор қоплами қатламининг бузилиши билан боғлиқ.
3. Зилзила, сел оқимлари, кўчки, ўпирилиш, сув тошқинлари олиб келади.

# Ўзбекистонда учрамайдиган табиий ҳусусиятли фавқулодда вазиятлар

**Цунами (япон.)-сейсмик денгиз  
тўлкини.**

Шимолий Американинг ғарбий соҳиллари, Япония, Алеут ороллари, Филиппин, Янги Гвinea, Индонезия, Тинч океанининг жанубий қисмидаги ороллар, Гавай ороллари, Перу, Чили ва Марказий Америка бу ерда рўй берадиган зилзиланинг доимий ҳамроҳи ҳалокатли цунами зарбасига дучор бўлиб туради.

# Довул, бўрон ва қуюн

Шамол - иссиқлик ва атмосфера босимининг бир текис тақсимланмаслиги натижасида ҳавонинг ер юзасига параллель равишда юзага келадиган ва юқори босим зонасидан паст босим зонасига йўналган ҳарзоти.



Қуюн - диаметри бир неча ўндан юзлаб метрға етувчи айланувчи ҳаво устунидир.

- Қуюн кичик күламдаги шамол бўлиб, устундаги ҳаво соат миллиарига тескари йўналишда 100 м/сониядан ортиқ тезлик билан айланади. Қуюн ер юзи бўйлаб 50-60 км/с тезликда ҳаракат қиласи. Қайд қилинган энг юқори тезлиги - 300 м/сония. Қуюнни сезмай қолиш мумкин эмас. Айланаётган ҳаво оқими қоп-қора устунининг диаметри бир неча ўн метрдан бир неча юз метргача етиши мумкин. Қуюн яқинлашганда қулоқни қоматга келтирувчи шовқин эшитилади. У она (момоқалдироқ) ёки бошқача айтганда қуюн булутидан туғилади, узун хартум кўринишида ергача тушади.

## **ФАВКУЛОДДА ЭПИДИМИОЛОГИКЭПИЗООТИК ВА ЭПИФИТОТИК ВАЗИЯТЛАР:**

- ЎЛАТ, ВАБО, САРҒАЙМА ИСТИМАКАБИ СИЙРАК УЧРАЙДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРГАН АЛОХИДА ҒАВФЛИ ИНФЕКЦИЯЛАР;
- ОДАМЛАРДА УЧРАЙДИГАН ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР РИККЕТСИЯЛАР-ЭПИДЕМИК ТОШМАЛИ ТЕРЛАМА БРИЛЬ КАСАЛЛИГИ, КУ-ИСТИМА;
- ЗООНОЗ ИНФЕКЦИЯЛАР -СИБИРЬ ЯРАСИ, КУТУРИШ;
- ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯЛАР -СПИД;
- ЭПИДЕМИЯ-АЛОХИДА ҲАВФЛИ ИНФЕКЦИЯЛАРГА ТЕГИШЛИ БҮЛМАГАН, ЮҚИШ МАНБАИ БИТТА ЁКИ ЮҚИШ ОМИЛИ БИР ХИЛ БҮЛГАН ОДАМЛАРНИНГ ГУРУХ БҮЛИБЮКУМЛИ КАСАЛЛАНИШИ, БИР АХОЛИ ПУКТИДА -50 КИШИ ВА УНДАН ОРТИҚ

# ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҮУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР.

Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариш билан боғлик вазиятлар:

- Ҳалокатли қўчкilar фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннин бошқа фаолияти натижасида пайдо бўлувчи ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;
- Тупроқ ва ер остининг саноат туфайли келиб чиққантоксинкантлар билан ифлосланиш, оғир материаллар нефть маҳсулотлари, шунингдекқишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришда одамларнинг соғлиги учун хавфсолувчи концентрацияларда қўлланадиган пестециidlар ва бошқа захарли химикатлар мавжудлиги.

# ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҮУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

**Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари  
үзгариши билан боғлик бўлган вазиятлар:**

- Ҳаво мухитнинг куйдаги ингридиентлар билан экстремал юфориифлосланиш;
- Олtingугурт диоксид ва азотли оксид, углеродли оксид, диоксин, қурам, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа заарли моддалар,
- Катта қўламда кислотали зоналар хосил бўлиши ва кўп микорда кислота чиқиндиқлари ёғилиши;
- Радиациянинг юкори даражаси.

# ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВЎУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

**Гидросфера холатининг ўзгариши билан боғлик вазиятлар:**

- Ер юзаси ва ер ости сувларнинг саноат ва қишлоқ хожалиги ишлаб чиқариши оқовалари: нефть масхулотлари, одамларнинг захарланишигаолиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган таркибида оғир металлар, хар хил захарли химикатлар бор бўлган чиқиндиқлар ва бошқа заарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;
- Бинолар, мухандислик комуникациялари ва уй жойларнингемирилишига олиб келиши мумкун бўлган ёки олиб келган сизот сувлар даражасини ошиши;
- Сув манбалари ва сув олиши жойларининг заарли моддалар биланифлосланиши оқибатида ичимлмк сувнинг кескин етишмаслиги.

**Эътиборингиз  
учун раҳмат!**